

УДК: 633.14:633.1:631.8

## ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ ЖАВДАР НАВЛАРИНИ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Исмоилов Вохид Исропилович,**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети, таянч докторанти

[7257150@mail.ru](mailto:7257150@mail.ru)

**Турсунов Шермуҳаммад Нурмаматович,**

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти  
Самарқанд илмий-тажриба станцияси директори.

[tursunov.shermuhammad@mail.ru](mailto:tursunov.shermuhammad@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада суғориладиган ерларга етиштириладиган жавдар навларининг имкониятлари, етиштириш технологиясининг асосий элеметлари экиш муддатлари ҳамда маъдан ўғит меъёрларини ўсимликнинг бўйи, бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони ва дон ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

**Калит сўзлар:** Жавдар (Secale cereale), экин, муддат, ўғит, меъёри, маҳсулдор, поя, нав, “Вахшская 116”, “Шалола”, ҳосилдорлик, уруғ, тупроқ, дон.

**Annotation.** The article presents the results of a study of the potential of rye varieties grown on irrigated lands, the main elements of cultivation technology, the sowing time, and the effect of mineral fertilization on plant growth, length of spikelet, number of spikelets, and yield of grain.

**Keywords:** Rye (Secale cereale), crop, term, fertilizer, norm, yield, stem, variety, “Вахшская 116”, “Шалола”, yield, seed, soil, grain.

Республикамизда экиладиган жавдар навлари асосан кузда экилади. Маълумки, кузги бошоқли дон экинларининг куз даврида ўсиши, ривожланиши ва чиниқиши – экиш муддатлари, тур, нав, об-ҳаво шароити ўғитлаш, суғориш ҳамда ўтмишдошларга боғлиқ.

Хозирда дунёдаги энг катта жавдар экиладиган майдон Рассияда – 3,5 млн/га. Асосан Ўрта Волга, Волга-Вятка, Марказий ва Марказий Қора Ер минтақалари шунингдек Уралс ва Ғарбий Сибир ҳудутларига тўғри келади. Жавдар ноқулай шароитларга чидамли бўлганлиги учун юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Жавдарнинг ўртача ҳосилдорлиги дунё бўйича 2,22 т/га, Рассияда эса атига 1,83 т/га, энг юқори ҳосилдорлик эса Германияда 5,0 т/га ни ташкил этади. Кузги жавдардан етарли даражада ҳосил олиш учун озуқа моддалар билан яхши таъминланиши керак. Бир тонна дон ҳосили олиш учун кузги жавдар қўйидаги миқдордаги биоген элементларни сарфлайди: N – 24-32 кг., P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> – 12-15 кг., K<sub>2</sub>O – 24-30 кг., CaO – 6-10 кг., MgO – 2-5 кг. Олти тонна дон ҳосили олиш учун эса тупроқдан ўртача 120-180 кг азот, 40-90 кг фосфор ва 120-180 кг калий олиб чиқади. Кузги жавдар умумий озуқага бўлган талаби кузги буғдой билан деярли бир хил. Бундан кўриниб турибдики, ушбу экиннинг ҳосилдорлигини ошириш учун қўшимча равишда органик ва минерал ўғитларни қўллаш керак. Айниқса тупроқда озуқа моддалар етарли бўлмаган ерларда қўллаш зарур. [1]

Ўсимликлар ҳаётининг фаоллик даражасини кўрсатувчи энг муҳим жараёнлардан бири бу ўсишdir. Бу жараёнда ўсимлик танасида барча физиологик ва биокимёвий реакциялар содир бўлиб, натижада янги ҳужайралар ҳамда органларнинг ҳосил бўлиши билан уларнинг умумий қуруқ массасини ортиб бориши кузатилади. Шу билан биргаликда ўсимликларнинг ўсишига ташқи шароитнинг кўплаб омиллари ўз таъсирини кўрсатади. Бундай омилларга ҳарорат, ёруғлик, намлик, кабиларни киритиш мумкин. Лекин, агротехнологик тадбирлар-уруғларни эрта муддатларда экиш ва маъданли ўғитлар айниқса, азотли ўғитларни меъёридан ортиқ ҳамда фазалар давомида

табақалаштирилиб бермаслик ҳам ўсимликларни ҳаддан ташқари ўсиб кетишига олиб келади [2]

Ҳосилдорлик маълум бирлиқдаги ўсимликлар ҳосилининг йифиндисидир. Экинзорда ўсимликлар сийрак бўлса, ҳар бир алоҳида олинган ўсимликнинг маҳсулдорлиги юқори бўлишига қарамасдан ҳосилдорлик паст бўлади. Туп қалинлиги ошиб бориши билан алоҳида олинган ўсимликлар маҳсулдорлиги пасайиб боради, аммо ҳосилдорлик маълум даражада ошиб боради. Бунда маълум бирлиқдаги майдонда ўсимликлар сони оптималлашади, ҳосилдорлик энг юқори бўлади, кейинчалик ҳосилдорликни секинлик билан пасайиб бориши қузатилади. [3]

Кузги жавдар навлари совуққа чидамли. Намлиги кам механик таркиби енгил бўлган тупроқларда диплоид навлар тетроплоид навлар билан таққослаганда 7 ц/га гача кўп ҳосил беради ва диплоид навларнинг дон ҳосили 70-90 ц/га бўлишини таъминлайди. [4]

Дала тажрибалари 2020 йилда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида ўтказилди. Тажриба обьекти жавдарнинг “Вахшская-116” ва “Shalola” навларини 1; 15 октябрь ва 1 ноябрь муддатларда экилди. Жавдарнинг озиқ моддаларга бўлган талабини қондириш мақсадида маъданли ўғитлардан амиакли селитра- $\text{NH}_4\text{NO}_3$  (N-33-34,6 %), аммофос- $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  (N-11-12 %, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-44-46 %) ва хлорид -KCl (K<sub>2</sub>O-53,7-60,0%) қўлланилди. Улар қўйидаги меъёрларда ўзаро таққосланиб ўрганилди, N-120, 150, 180, P-70, 90, 110, K-60, 75, 90, кг. Экиш меъёри 4,0 млн. Дона унувчан уруғ хисобида ўтказилиб, тажрибалар 3 кайтариқли, хисобга олинадиган пайкаллар катталиги 50 м<sup>2</sup> қилиб жойлаштирилди.

Тажрибаларимизда кузги жавдар дон ҳосилига экиш муддатлари ва ўғитлаш меъёрлари сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўрганилган навларнинг ҳосилдорлиги, энг паст кўрсатгич назорат-ўғитсиз варианта кузатилди албатта. Бунда “Вахшская-116” ва “Шалола” навида 1 октябрда экилган муддатда навларга мос равишда ўртacha ҳосилдорлик 27,1;

29,3 ц/га, 15 октябрда 29,7; 30,9 ц/га ва 1 ноябр экиш муддатида эса 23,5; 26,9 ц/га бўлиши кузатилди.

Маъданли ўғитлар меъёрини ошириш, жавдар навларининг дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатиб, бу кўрсаткич 1 октябрда экилган назорат-ўғитсиз вариантига нисбатан  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг/га ўғит қўлланилган вариантида навларга мос равища 24,9; 27,4 ц/га,  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг/га ўғит қўлланилган вариантида 30,8; 29,6 ц/га ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг/га ўғит қўлланилган вариантида эса 26,1; 31,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Экиш 15 октябрда ўтказилган вариантларда дон ҳосили назорат-ўғитсиз вариантига нисбатан маъданли ўғитлар меъёри ва навларга мувофиқ ҳолда 26,2; 29,4 ц/га, 29,7; 33,1 ц/га ҳамда 34,9; 36,1 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган бўлса, 1 ноябр экиш муддатида ўтказилган вариантларда эса, 20,5; 20,6 ц/га, 23,3; 22,5 ц/га, 27,4; 26,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

1-жадвал

### **Кузги жавдар навларининг ҳосилдорлигига экиш муддати ва маъдан**

#### **ўғитларнинг таъсири. (2020 йил)**

Экиш муддати	Ўғитлаш меъёри кг/га	Ҳосилдорлик ц/га.							
		“Вахшская-116” нави			“Шалола” нави			Ўртacha	
		Қайтариқлар			Ўртacha	Қайтариқлар			
		I	II	III		I	II	III	Ўртacha
1-октябр	Назорат (ўғитсиз)	27,6	25,4	28,4	27,1	29,8	30,1	27,9	29,3
	$N_{120}P_{70}K_{60}$	49,6	52,3	54,1	52,0	56,2	58,7	55,2	56,7
	$N_{150}P_{90}K_{75}$	58,9	57,8	56,9	57,9	59,1	57,6	60,1	58,9
	$N_{180}P_{110}K_{90}$	52,3	55,8	51,6	53,2	60,4	58,3	62,6	60,4
15-октябр	Назорат (ўғитсиз)	28,6	29,8	30,7	29,7	33,1	27,6	32,1	30,9
	$N_{120}P_{70}K_{60}$	54,8	56,1	56,7	55,9	59,7	63,1	58,1	60,3
	$N_{150}P_{90}K_{75}$	60,8	58,9	58,4	59,4	65,0	62,8	64,2	64,0
	$N_{180}P_{110}K_{90}$	61,8	66,1	65,9	64,6	68,7	64,9	67,5	67,0
1-ноябр	Назорат (ўғитсиз)	20,5	23,9	26,1	23,5	25,6	28,1	27,1	26,9
	$N_{120}P_{70}K_{60}$	41,7	46,8	43,4	44,0	46,8	49,1	43,5	47,5
	$N_{150}P_{90}K_{75}$	43,8	48,7	47,8	46,8	47,8	48,2	46,1	49,4
	$N_{180}P_{110}K_{90}$	53,6	51,2	48	50,9	49,7	50,3	47,3	53,1

Дон ҳосилдорлиги навлар бўйича таҳлил қилганимизда “Вахшская-116” нави 1 октябрда экилган ва гектарига  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг маъданли ўғитлар қўлланилган вариантда 52,0 ц/га,  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг/га қўлланилган вариантида 57,9 ц/га ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг/га қўлланилган вариантида эса, 53,2 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, бу кўрсаткич 15 октябрда экилган вариантларида 1 октябр экиш муддатига нисбатан ўғитлаш вариантларига мос равища 3,9; 1,5 ва 11,4 ц/га қўшимча дон ҳосили олинди.

Дон ҳосили экиш муддати кеч, 1 ноябрда экилганда камайиши кузатилди. Кечги муддатда экилган вариантларди, 15 октябр экиш муддатига нисбатан 11,9; 12,6 ва 13,7 ц/га кам ҳосил олинди. “Вахшская-116” нави 1 октябрда экилганда, азотли ўғитларнинг меъёри ошириш билан ўсимликларнинг бўйи баланд бўлди ва уларни ётиб қолиши кузатилди, натижада дон ҳосилининг камайишига олиб келди.

Кеч 1 ноябрь экиш муддатда экилган вариантларда ҳосилдорликни камайишининг асосий сабаби, уруғларни тўлиқ униб чиқмаслиги, тупланиш фазасини муддатидан ортда қолиши, маҳсулдор поялар сонини кам бўлиши ва маъданли ўғитлардан тўлиқ фойдалана олмаслиги натижасида кузатилди.

Дон ҳосилдорлиги “Shalola” навида 1 октябрда экилган вариантларда яъни, гектарига  $N_{120}P_{70}K_{60}$  кг маъданли ўғитлар қўлланилган вариантда 56,7 ц/га,  $N_{150}P_{90}K_{75}$  кг/га қўлланилган вариантида 58,9 ц/га ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг/га қўлланилган вариантида эса, 60,4 ц/га дон ҳосили олинди. “Shalola» нави дон ҳосили 15 октябр экиш муддатида ўғитлаш меъёрларига мос равища 60,3; 64,0 ва 67,0 ц/га олинган бўлса, экиш кечикиши билан (1.11) бу кўрсаткич яна камайиб, 15 октябр экиш муддатига нисбатан 12,8; 14,6 ва 13,9 ц/га кам ҳосил олинди.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида жавдар навларининг октябрнинг иккинчи ўн кунлигига экиш ва гектарига ва  $N_{180}P_{110}K_{90}$  кг маъданли ўғитлар қўллаш улардан юқори дон ҳосили олишни таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Михалёв Е.В., Варламова Л.Д., Олонина С.И., Возделывание озимой ржи. “Учебное пособие”. Нижний Новгород: 2015.- 12 с.
2. Хўжаев Ж.Х. Ўсимликлар физиологияси. -Тошкент. Мехнат, 2004. -Б. 224.
3. Рахимов А.Р., Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдой интенсив навларининг ҳосилдорлиги ва дон сифатига экиш муддатлари ҳамда ўғитлаш меъёрларининг таъсири. Дисс. 2019.- 92 б.
4. Ториков В.Е., Белоус Н.М., Мельникова О.В., Малявко Г.П. Озимые зерновые культуры: Биология и технологии возделывания (Практические рекомендации). ФГБОУ ВПО «Брянская ГСХА», 2013.-55 с.